



Салафлар ҳикмаси дурданаларидан

Ваҳдат 2014-1435

Алий розияллоҳу анҳу айтганлар:

Эй илм әгалари! Унга амал қилингиз. Зотан, билганига амал қилган ва илми амалига мувофиқ бўлган кишигина олимдир.

Ҳали шундай қавмлар келадики, илм уларнинг бўғизларидан ўтмайди, илмларига хилоф ишларни қилишади, ичлари ташларига тўғри келмайди, ҳалқаларга бўлинниб ўтиришиб, бир-бирларига мақтанишади (ўзларини бошқалардан афзал кўриб, мақтанишади). Ҳатто баъзилари ўзининг ҳалқадоши уни тарк қилиб, бошқа мажлисга ўтиб ўтиrsa, ундан ғазабланади. Ундай кимсаларнинг бундай мажлисларидаги амаллари Аллоҳ ҳузурига кўтариilmайди.
(Сунан уд-Доримиий: 1/106).

(2/123). Алий ибн Абдуллоҳ ибн Аббос деди:

Яхшилик қилиш – Аллоҳга яқинлашиш, бандалар кўнглидан ўрин олиш ва давомий ташаккурга сазовор бўлишдир.

Араблардан бирини ўғлига шундай деяётганини эшитганман:

«Эй ўғлим! Ёмонлик қилувчи одам гарчи бу дунёда бор бўлса-да, ўлиқдир, яхшилик қилувчи киши охиратга сафар қилган бўлса-да, тириқдир».

(Хароитий, Макоримул-ахлоқ: 22-с).

Ибн Атоуллоҳ деди:

Ўзинг дунёга интилиб туриб, уни ҳақир санашинг ёлғон ва бўхтондир.

Ўзинг Аллоҳдан юз ўгириб туриб, У зотни улуғ санашинг ёрдамдан маҳрум бўлиш аломатларидандир.

Қандай қилиб У зотнинг ҳузурида қадринг бўлишини умид қиласан, ваҳоланки У зотнинг ҳузурида ҳеч қандай қадри бўлмаган нарса сени ўзига қул қилган бўлса?! Боқий қолувчи (солих) амаллар билан бўлиб, У зотдан машғул бўлиб қолсанг узр саналмайди-ю,

йўқ бўлиб кетувчи фоний нарсалар билан бўлиб, машғул бўлсанг қандай узр саналсин?!
 (Файзул-қодиир: 3/549).

Абул Аббос Мубаррад айтади:

Абдуллоҳ ибн Язид Абу Холид ал-Қасрий оқил кишилардан эди. Бир куни ундан Абдулмалик: «Қанча молинг бор?», деб сўради. У: «Икки нарсам бор, улар билан фақирлик билмайман: Аллоҳдан розилик ва одамлардан беҳожатлик», деб жавоб берди. Абдулмаликнинг ҳузуридан чиқишигач, үнга: «Қанча молингиз борлигини айтиб қўя қолсангиз бўлмасмиди?!», дейишди. «Молим оз бўлса, мени ҳақир санаши, кўп бўлса, менга ҳасад қилишидан бошқа нарса бўлмас эди», деб жавоб берди у.

Бир аъробийдан: «Аҳволинг қандай?» деб сўралганда: «Ҳар қанча узоқ яшамасин, бир кун умри тугайдиган, қанчалик саломат бўлмасин, касалликка дучор бўладиган, ҳар қанча омонлик жойидан-да олиб кетиладиган одамнинг аҳволи нима бўларди?!», деб жавоб берди.

(Рағбатул-омил: 3/24).

Касир ибн Мурра деди:

Ҳакимларга (доноларга) ботил сўз айтмагин, сени ёмон кўриб қолишади. Жоҳилларга ҳикматни сўзламагин, сени ёлғончига чиқаришади. Илмни ўз аҳлидан тўсмагин, гуноҳкор бўласан. Уни нолойиқ кимсалар орасига ташламагин, жоҳил бўласан. Сенинг зиммангда молингнинг ҳаққи бўлгани каби илмингнинг ҳам ҳаққи бор.

(Сунан уд-Доримиий: 1/105).

Муторриф деди:

Таомингни истамаган кишига едирма.

(Сунан уд-Доримиий: 1/106).

(2/122). Ийсо ибн Марям алайҳиссалом айтар эдилар:

Илмни унинг аҳлидан ман қилма, гуноҳкор бўласан. Уни ноқобил одамларга тарқатма, жоҳил бўласан. Дорини фойда берадиган ўрнига ишлатадиган меҳрибон табиб бўл.

(Сунан уд-Доримиий: 1/106).

«Тарих Ибн Хилликон»да ҳикоя қилинишича, Ҳишом ибн Абдулмалик Аъмашга одам юбориб, Усмоннинг (розияллоҳу анҳу) фазилатлари ва Алийнинг (розияллоҳу анҳу) ёмонликларини битиб беришни талаб қилди.

Аъмаш қофозни олиб, қўйнинг оғзига тутган эди, қўй уни чайнаб юборди.

Кейин у элчига қараб: «Унга бориб айт, мана шу унга жавоб», деди. Элчи кетди, сўнг қайтиб келиб: «Агар жавоб олиб бормасам, у мени қатл қилишга қасам ичди», деди.

Сўнг ёр-биродарлари ўртага тушиб, Аъмашдан уни ўлимдан сақлаб қолишини илтижо қилишди. Шундан сўнг Аъмаш шундай жавоб ёзиб берди:

Аммо баъд, бутун ер аҳлининг фазилатлари Усмонда жамланган тақдирда ҳам, бунинг сенга фойдаси йўқ. Мабодо бутун ер аҳлининг ёмонликлари Алийда йиғилган бўлса, бунинг ҳам сенга зарари йўқ. Сен ўзинг ҳақингда қайғургин, вассалом.

(Ҳаятул-ҳайван: 2/42).

Шофийи айтади:

Оқил – яхшилик ва ёмонлик ўртасига ташланган пайтда яхшиликни танлаган киши эмас, балки икки ёмонлик ўртасига ташланган пайтда уларнинг енгилроғини танлай билган кишиидир.
(Хиля: 9/139).

Мубаррад айтади:

Икки донишманд учрашиб қолиб, бири иккинчисига: «Мен сизни Аллоҳ учун яхши кўраман», деди.

Иккинчиси: «Агар мен ҳақимда мен ўзимнинг нафсимдан билган нарсани билганингизда эди, мени Аллоҳ учун ёмон кўриб қолардингиз», деб жавоб берди.

«Агар сиз ҳақингизда сиз ўз нафсингиздан билган нарсани била олсан, мен ҳам ўз нафсимдан билган нарса билан овора бўлиб қолган бўлар эдим», деди биринчи донишманд.

(Ал-камил: 3/8).

Ином Молик айтади:

Абу Бакр ибн Абдурраҳмон билан Икрима ибн Абдурраҳмон Сайд ибн Мусаййиб олдига зинданга киришиб, унга: «Аллоҳдан қўрқинг, биз сизнинг қонингиз тўкилишидан хавф қилмоқдамиз», дейишиди. Шунда у: «Чиқинглар бу ердан! Нима, мени ҳам ўзингиз қилганингиздек, динимни ўйинчоқ қилишимни истайсизларми?!» деди.

(Ал-жамиъ, Ибн Аби Зайд: 156).

Абдурраҳмон ибн Маҳдийнинг фарзанди вафот этганида Ином Шофийи раҳимаҳуллоҳ унга шундай деб ёзиб юборганди:

Эй биродарим, ўзингизга ҳам бошқаларга (таъзия) тасалли берадиган сўзлар билан тасалли беринг.

Бошқалардан қабиҳ санайдиган ишни ўзингизга ҳам қабиҳ сананг. Билингки, шодликдан айрилиш ва савобдан маҳрум бўлиш ўзи етарлича оғир мусибат. Энди бу иккисига гуноҳ ҳам қўшилса, қандай бўлади?!

Аллоҳ сизга мусибатларда сабр берсин, барчамизни сабр туфайли ажрга эриштиrsин.

(Шарҳул-мақомот: 2/102).

Абус-Солт айтади: Мен Алий ибн Мусони Мавқифда (Арафотда) шундай дуо қилаётганини эшиитдим:

Эй Аллоҳ, менинг ўзим билган гуноҳларимни яширганинг каби Ўзинг билган гуноҳларимни ҳам кечиргин. Илминг мени қандай қамраб олган бўлса, афвинг ҳам шундай қамраб олсин.

Маърифатинг (яъни ўзингни танитишинг) билан мени икром қилганингдек, мағфиратингни ҳам менга шафоатчи айлагин, ё залжалали вал-икром!

(Сияру аъламин-нубалаъ: 9/389).

Умар ибн Абдулазиз деди:

Илм билан ҳилмнинг ва (ўч олишга) қодирлик билан афвнинг бирикишидан кўра афзалроқ икки нарса бирикмагандир.

(Ал-амалий: 1/261).

Имом Розий «Тафсир»ида шундай ёзади:

Кўп йиллик ҳаётий тажрибамдан шу холосага келдимки, инсон қачонки ўз ишларидан бирон ишда Аллоҳдан бошқасига суюнса, бу унинг бало ва синовларга, меҳнату машаққатларга дучор бўлишига сабаб бўлар экан.

Агар Аллоҳга сүянса ва Аллоҳдан ўзга ҳеч бир махлукотга боғланмаса, матлуби чиройли кўринишда ҳосил бўлади.

Бу тажриба умримнинг аввалидан бошлаб, то ҳозиргача – эллик етти ёшга киргунимча шундай давом этиб келди.

Ва қалбим шунга қарор топдики, инсонга Аллоҳнинг фазлу карамидан бошқа бирон нарсага сүянишда асло манфаат бўлмас экан.

(*Тафсир ур-Розий: 5/132*).

Мустафо Содиқ ар-Рофиъий ҳикоя қиласи:

Иzz ибн Абдуссалом раҳимаҳуллоҳ сultonни очиқдан очиқ танқид қилганидан сўнг шогирдларидан бири: «Қандай қўрқмай журъат қилдингиз?» деб сўради. У деди: «Эй болам! Аллоҳ таолонинг ҳайбатини кўз олдимга келтирган эдим, сulton менинг олдимда гўё бир мушукка ўхшаб қолди. Агар нафсимда дунё ҳожатларидан бирон ҳожат бўлса эди, мен унга бутунлай бошқача назар билан қараган бўлар эдим. Бироқ, мен охират назари билан боқдим, менинг назарим сultonнинг бошқа одамлар кўрмаган томонларига тушди: на буюклиқ, на салтанат, на боқийлик, на дунёни кўрдим унда. Балки у нарса суратидаги ҳеч нарса эди».

(*Ваҳюл-қалам: 3/62, «Умароъ лил-байъ» мақоласидан*).

Имом Авзоъий деди:

Аллоҳ бир қавмга ёмонликни ирова қилса, уларга тортишув эшигини очиб қўяди ва уларга илм ва амал дарвозасини беркитиб қўяди.

(*Ал-бидая ван-ниҳая: 10/117*).

Имом Молик деди:

Олимнинг қалқони «билмайман»дир, агар у қалқонини йўқотса, ўладиган жойидан зарба ейди.

(*Ал-жамиъ, Ибн Аби Зайд ал-Қирваний: 151*).

Ибн Аббос розияллоҳу анҳумо дедилар:

Ким одамларнинг ҳар бир сўраган нарсасига жавоб бераверса, у мажнундир.

(Ал-жамиъ, Ибн Аби Зайд ал-Қирваний: 151).

Ибн Ражаб Ҳанбалий юқоридаги Ибн Аббос сўзларига жуда яқин бошқа бир сўзни Ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилиб келтирган:

«Одамларнинг ҳар бир фатво сўраганига фатво бераверадиган киши ҳақиқий мажнундир».

(Жамиъ баянил-илми ва фазлиҳ: 177-с).

Имом Молик айтади:

Абу Бакр ибн Абдурраҳмон билан Икрима ибн Абдурраҳмон Саид ибн Мусайиб олдига зинданга киришиб, унга: «Аллоҳдан қўрқинг, биз сизнинг қонингиз тўкилишидан хавф қилмоқдамиз», дейишди. Шунда у: «Чиқинглар бу ердан! Нима, мени ҳам ўзингиз қилганингиздек, динимни ўйинчоқ қилишимни истайсизларми?!» деди.

(Ал-жамиъ, Ибн Аби Зайд: 156).

Абдурраҳмон ибн Маҳдийнинг фарзанди вафот этганида Имом Шофиий раҳимаҳуллоҳ унга шундай деб ёзиб юборганди:

Эй биродарим, ўзингизга ҳам бошқаларга (таъзия) тасалли берадиган сўзлар билан тасалли беринг.

Бошқалардан қабиҳ санайдиган ишни ўзингизга ҳам қабиҳ сананг.

Билингки, шодлиқдан айрилиш ва савобдан маҳрум бўлиш ўзи етарлича оғир мусибат. Энди бу иккисига гуноҳ ҳам қўшилса, қандай бўлади?!

Аллоҳ сизга мусибатларда сабр берсин, барчамизни сабр туфайли ажрга эриштиrsин.

(Шарҳул-мақомот: 2/102).

Абус-Солт айтади: Мен Алий ибн Мусони Мавқифда (Арафотда) шундай дуо қилаётганини эшиштдим:

Эй Аллоҳ, менинг ўзим билган гуноҳларимни яширганинг каби Ўзинг билган гуноҳларимни ҳам кечиргин. Илминг мени қандай қамраб олган бўлса, афвинг ҳам шундай қамраб олсин.

Маърифатинг (яъни ўзингни танитишинг) билан мени икром қилганингдек, мағфиратингни ҳам менга шафоатчи айлагин, ё залжали вал-икром!

(Сияру аъламин-нубалаъ: 9/389).

Имом Ғаззолий деди:

Дунё ғурӯр (алдов) ҳовлиси, сурӯр (хуррамлик) ҳовлиси эмас, ишамал араваси, ялқовлик араваси эмас, тўхтаб ўтиш жойи, ястаниб ётиш жойи эмас, тижорат манзили, иморат маскани эмас. У бир савдо дўконики, матоси тоат, кўрилажак фойдаси қиёмат кунидаги нажотдир.

(Ал-Мустасфо: 1/3).

(2/80). Довуд ат-Тоийга айтдилар:

- Амирлар ҳузурига кириб, уларга амри маъруф ва наҳий мункар қилмоқчи бўлган киши ҳақида нима дейсиз?
- Қамчига рўпара келади, деб қўрқаман.
- У бунга чидамли бўлса-чи?
- Қиличга дуч келади, деб қўрқаман.

- Бунга ҳам бас келса-чи?
- У ҳолда мен унинг ўта оғир дард – манманликка йўлиқишидан қўрқаман.

(Мухтасар минҳажил-қосидийн: 128-с).

Бир аъробийдан: «Қандай тонг оттирдинг?», деб сўралди.

«Бақоси фонийлик сари борувчи, соғлиги касалликка етказувчи, омонлик маконига ҳам (ажали) етиб келувчи киши қандай тонг оттиради?!», жавоб берди у.

(Салватул-ҳазийн: 88-с).

(2/82). Усмон ибн Аффон аъробий кўринишидаги Омир ибн Қайсга хитобан: «Эй аъробий, Раббинг қаерда?», деган эди, у: «Кузатиб турадиган ўринда!», деб жавоб берди.

(Ал-камил: 1/59).

Ҳасан ал-Басрий айтади: «Бир қавмнинг ҳолига ажабки, сафар озуқаси олишга буюрилган, кўчишга эълон бўлган, аввалгилари ортидан охиргилари сафга терилган бўлса-ю, билмайман, яна нимани кутиб туришади?!».

(Ал-камил: 1/59).

Ҳасан ал-Басрий айтарди: «Дунёни унинг устидан ўтиб олинадиган кўприкка айлантир, уни обод этишга уринма».

(Ал-камил: 1/59).

Имом Ғаззолий айтади:

Қизик, агар қулинг, чўринг, оиланг ва фарзандингдан бирон беодоблик ва амрингни бажо келтиришда ноқислик кўрсанг, уларни жазолайсан. Агар кечириб юборсанг, ишларининг тизгини қўлингдан чиқиб кетишидан ва сенга итоатсиз бўлиб қолишларидан қўрқасан.

Бирок, ўз нафси ҳавойингни мұхмал қўясан, ваҳоланки у сен учун энг катта душман, сенга қарши қаттиқ түғёнкор. Унинг түғёнидан кўрадиган зааринг аҳли-оилангнинг түғёнидан кўрадиган заарингдан анча катта. Ақлингни ишлатсанг биласанки, ҳақиқий ҳаёт охират ҳаётидир, унда ниҳояси йўқ бўлган, абадий неъматлар бор. Сен учун охират ҳаётини заҳарлаётган эса ўз нафсингдир. Шундай экан, у бошқалардан кўра жазоланишга лойикроқдир.

Мустафо Содиқ ар-Рофиъий ҳикоя қиласи:

Иzz ibn AbdusSalom raҳимaҳулloҳ султонни очиқдан очиқ танқид қилганидан сўнг шогирдларидан бири: «Қандай қўрқмай журъат қилдингиз?» деб сўради. У деди: «Эй болам! Аллоҳ таолонинг ҳайбатини қўз олдимга келтирган эдим, султон менинг олдимда гўё бир мушукка ўхшаб қолди. Агар кўнглимда дунё ҳожатларидан бирон ҳожат бўлса эди, мен унга бутунлай бошқача назар билан қараган бўлар эдим. Бироқ, мен охират назари билан боқдим, менинг назарим султоннинг бошқа одамлар кўрмаган томонларига тушди: на буюклиқ, на салтанат, на боқийлик, на дунёни кўрдим унда. Балки у нарса суратидаги ҳеч нарса эди».

Имом Авзоъий деди:

Аллоҳ бир қавмга ёмонликни ирова қилса, уларга тортишув эшигини очиб қўяди ва уларга илм ва амал дарвозасини беркитиб қўяди.

Имом Молик деди:

Олимнинг қалқони - «билмайман»дир, агар у қалқонини йўқотса ўладиган жойидан зарба ейди.

Ибн Аббос розияллоҳу анҳу дедилар:

Ким одамларнинг ҳар бир сўраган нарсасига жавоб бераверса, у мажнундир.

Муовия ибн Аби Сүфён ўзига нисбатан қўйоллик қилган кишига деди:

Ҳукмдорлар билан гаплашганда эҳтиёт бўл, зеро сultonнинг ғазаби ёш боланинг ғазабидек (тез), ҳамласи шернинг ҳамласидек (кучли).

Имом Аҳмад «Муснад»да саҳиҳ санад билан келтирган ҳадисда Абу Зар розияллоҳу анҳу шундай дейдилар:

Халилим соллаллоҳу алайҳи ва саллам мени етти нарсага буюрганлар:

1. Мискинларни дўст тутишга ва уларга яқин бўлишга;
2. Дунёвий ишларда ўзимдан қўйи одамларга қарашга, ўзимдан юқориларга қарамасликка;
3. Қариндошларим юз ўғирсалар-да улар билан борди-келди қилишимга;
4. Бирордан бирон нарса сўрамасликка;
5. Аччиқ бўлса-да ҳақни гапиришга;
6. Аллоҳ йўлида маломатчининг маломатидан қўрқмасликка;
7. «Ла ҳавла ва ла қуввата илла биллаҳ»ни кўп айтишга, зеро бу калималар аршнинг остидаги хазинадан олинган. 87.

Аҳнаф ибн Қайсга: «Сиз ёши улуғ мўйсафид одамсиз, рўза тутиш сизни толиқтириб қўяди» дейилганда: «Мен буни узок сафар учун йўл озуқаси қилиб оляпман, Аллоҳ субҳанаҳу ва таолонинг тоатида сабр қилиш У зотнинг азобига сабр қилишдан енгил» деб жавоб берди.

Абу Сураймон ад-Дороний деди:

Қалбга охират ўрнашган бўлса, дунё унинг ёнига тиқилишга уринади. Агар қалбга дунё ўрнаган бўлса, охират унинг ёнига жойлашишга уринмайди. Зоро, охират улуғвор, дунё эса пасткашдир.

Ибн Аббос розияллоҳу анҳу деди:

Эй гуноҳга қўл урувчи! Сен унинг ёмон оқибатларидан ҳаргиз омонда эмассан!

Гуноҳ қилатуриб, ўнгу сўлингдаги кишилардан ҳаё қилмаслигинг қилган гуноҳингдан ҳам каттароқдир.

Аллоҳ ўша гуноҳингни нима қилишини (кечирадими ё йўқми) билмай туриб кулишинг гуноҳдан ҳам каттадир.

Бир гуноҳни қилиш имкониятини қўлга киритганинг учун хурсанд бўлишинг қилинган гуноҳдан ҳам каттароқдир.

Бир гуноҳни қила олмаганингдан қайғуришинг ўша гуноҳни қилгандан ҳам каттароқдир.

Гуноҳ қилар экансан, эшик пардасини қимирлатган шамолдан хавфсирашинг, бироқ Аллоҳ қўриб турганидан юрагинг қалтирамаслиги ўша қилган гуноҳингдан ҳам каттароқдир.

Қуриб кетгур! Биласанми, Аллоҳ Айюб алайҳиссаломни не гуноҳи сабабли бадани ва молида шу қадар мусибатга мубтало этди?!

Айюб алайҳиссаломнинг бор-йўқ гуноҳи шу эдики, бир мискин ундан бошига тушган зулмни даф қилишга ёрдам сўраган, у эса унга ёрдам бермаган, золимга насиҳат қилмаган ва уни бу мискинга зулм қилишдан қайтармаган эди, шу сабабли Аллоҳ азза ва жалла уни балоларга гирифтор этди.

Салафлардан бири деди:

Маъсиятларни хорлик деб кўрдим ва ularни мурувват юзасидан тарқ қилдим, шунда бу ишим диёнатга айланди.

Салафлардан бири деди:

Аллоҳдан Унинг сени (азоблашга) қодирлиги миқдорида қўрқ ва сенга қай даражада яқинлиги миқдорида ҳаё қил.

Яҳё ибн Муоз ар-Розий деди:

Мўминнинг сендан эришадиган насибаси учта хислат бўлсин:

Агар унга фойда етказолмасанг, зарар ҳам етказма. Агар унинг кўнглига шодлик киритолмасанг, ғамга ҳам туширма. Агар уни мақтамасанг, мазаммат ҳам қилма.

Аллоҳга муҳаббатинг қай даражада бўлса, халқлар ҳам сени ўшанча яхши кўради.

Аллоҳдан қўрқувинг қай даражада бўлса, халқлар ҳам сендан ўшанча ҳайбатланадилар.

Аллоҳ билан машғул бўлишинг қай даражада бўлса, халқлар ҳам сенинг ишинг билан ўшанча машғул бўладилар.

Ибнул Муборак Авзоъийдан, у Билол ибн Саъддан ривоят қиласди:

Маъсиятнинг кичиклигига қарама, кимга осий бўлаётганингга қара.

Хотим ал-Асом деди:

Хожангнинг хизматига белни маҳкам боғла, шунда сенга дунё ўзи истамаган ҳолда, охират эса рағбат қилган ҳолда келади.

Ким тақвосиз ҳолда Аллоҳнинг муҳаббатини даъво қилса, у каззобдир.

Ким молини сарф қилмасдан туриб жаннат муҳаббатини даъво қилса, у ҳам каззобдир.

Аллоҳга таваккул қилишда ишимни тўртта хислатга қурдим:

Ризқимни мендан бошқа ҳеч ким еёлмаслигини билгач, нафсим хотиржам бўлди.

Менинг амалимни ўзимдан бошқа ҳеч ким қилмаслигини билиб, амалимга машғул бўлдим.

Ўлимим тўсатдан келишини билиб, у томон шошилмоқдаман.

Қаерда бўлсам ҳам Аллоҳ азза ва жалланинг назаридан қочиб қутуолмаслигимни билиб, У зотдан ҳаё қиласман.

Байҳақий санади билан ривоят қиласди:

Бир киши Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу ҳузурида бир иш бўйича гувоҳлик берди. Шунда Умар розияллоҳу анҳу унга:

- Мен сени танимайман. Бироқ танимаслигимнинг зиёни йўқ, сени танийдиган бирорта одамни олиб кел, – дедилар.

Шу ерда ўтирганлардан бир киши: - Мен уни таниман, – деди.

- Нимаси билан танийсан, – дедилар.

- Адолат ва фазлу карами билан, – деди.

- У сенинг кечаю кундуз бирга юрадиган, ичию ташини яхши биладиган ён қўшнингми? – дедилар.

- Йўқ, – деди.

- У билан кишининг парҳезкорлигига ўлчов бўла оладиган, пул мумомаласи қилганмисан? – дедилар.

- Йўқ, - деди.

- У билан кишининг ұлуғ ахлоқ әгаси эканини билса бўладиган бирон марта сафарда бирга бўлганмисан? – дедилар.

- Йўқ, - деди.

- Сен уни танимас экансан, - дедилар.

Сўнг бояги кишига: - Бор, сени танийдиган одамни топиб кел, - дедилар.

Авзоъий деди:

Илгарилари кулишиб, ҳазиллашиб юрардик. Одамлар бизга эргашадиган бўлгач, табассум қилиш ҳам мумкин эмасдек, қўрқиб қолдик.

Суфён ибн Уяйна деди:

Агар илм талаб қилаётган кишилар илмлари билан Аллоҳнинг ҳузуридаги нарсани исташганда эди, илмларининг фазлидан одамлар улардан ҳайбатланган бўлишар эди. Лекин улар илмлари билан дунё исташди ва шу боис одамларга хор бўлишди.

Молик ибн Набий деди:

Бизнинг фикрларимиз ўрнашмаган ҳар қандай мафкуравий бўшлиқ бизга қарши ва душман бўлган фикрларни кутиб ётиди.

Бир киши Суфён ас-Саврий ҳузурига келиб: «Эй Абу Абдуллоҳ, сизнинг қўлингизда ҳам динорларми?!» деган эди, у: «Жим бўл! Шу динорлар бўлмаганида подшоҳлар бизни хизматкорга айлантириб олишарди», деди.

Яна деди:

Кимнинг қўлида шундан (яъни динорлардан) бўлса, уни ислоҳ қилсин (яъни, тижорат қилиб уни кўпайтирсин). Чунки ҳозир замон шундайки, ким муҳтоҷ бўлиб қолса, энг аввал динини қурбон қиласди.

Бир одам Суфённинг ҳузурига келиб: «Эй Абу Абдуллоҳ, мен ҳажга бормоқчиман», деди.

Шунда Суфён: «Сендан карамлироқ одам билан йўлдош бўлма. Чунки, агар сарф-харажатда у билан тенглашаман десанг ўзингни қийнаб қўясан, агар у сенга фазлу марҳамат кўрсатса, ўзингни хорлатган бўласан», деди.

Суфён деди:

Паҳлавонларнинг ишини – ҳалолдан касб қилиб, аҳли-аёлга инфоқ қилишни ўзингга лозим тут.

Ал-Хатиб ал-Бағдодий деди:

Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло илмлар учун иккита ўринни қилган:

Бири қалблар, иккинчиси китоблар.

Кимга англаб оловчи қулоқ ва ёдлаб оловчи қалб ато этилган бўлса, унинг мартабаси олий, илмдаги даражаси юксак бўлади, бундай одам хотирасига суянади.

Кимнинг қалби ёд олишдан ожиз бўлса-ю, ўқиган илмини ёзиб борса, бундай одам илмни боғлаб олган бўлади. Унинг илми қалбидан кўра бехавотирроқ ўринда туради. Чунки қалбда унутишлиқ содир бўлади, ҳар хил кўргиликлар боис фикрлар бўлинади.

Ривоят қилишларича, Фузайл ибн Иёз айтар экан:

Алоқа қилсанг, хулқи чиройли одам билан алоқа қил, чунки у фақат яхшиликка чорлайди, дўсти ундан фақат роҳат кўради. Хулқи ёмон одам билан алоқа қилма, чунки у фақат ёмонликка чорлайди, дўсти ундан фақат машаққат кўради.

Хулқи чиройли фожир одамнинг ёнимда бўлиши мен учун хулқи ёмон қорининг (олимнинг) ёнимда бўлишидан яхшиrok.

Фосик одам агар хулқи чиройли бўлса, ақли билан яшагани боис одамларга оғирлиги тушмайди ва уни яхши кўрадилар. Обид одамнинг хулқи ёмон бўлса, уни оғир оладилар ва ёмон кўрадилар.

Айюб ас-Сихтиёний айтади:

Агар муаллимингнинг хатосини билишни истасанг, бошқаси билан ўтириб кўр (бошқасининг дарсига қатнашиб кўр).

Ваҳб ибн Мунаббиҳ деди:

Аввалда олимлар илмларини дунёдорлардан қизғанишар, дунёдорлар уларнинг илмига қизиқиб, улар учун пул сарф қиласдилар. Ҳозирга келиб аҳли илмлар илмларини дунёдорлар учун сарфладилар, дунёдорлар уларнинг илмига беэътибор бўлиб, мол-дунёларини улардан қизғанадиган бўлдилар.

Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу айтдилар:

Кимнингдир намози ё рўзаси сизларни алдаб қўймасин. Лекин, гапирса рост гапирадими, омонатга хиёнат қилмайдими, қўлига дунё келганида парҳез қила оладими, шунисига диққат қилинглар.

Ҳазрат Алий ўғиллари Ҳасанга дедилар:

- Эй ўғлим, мендан тўртта ва тўртта нарсани ёдлаб ол, уларга амал қилсанг зарар қилмайсан.
- Улар қайсилар, эй отажон? – деди.
- Энг катта бойлик ақлдир, энг катта фақирлик аҳмоқликдир, энг ёмон ваҳшат такаббурликдир, энг улуғ фазилат ҳусни хулқдир.
- Эй отажон, қолган тўрттасини ҳам айтинг.
- Эй ўғлим, кazzоб билан дўстлашишдан сақлан, чунки у сенга узоқни яқин, яқинни эса узоқ қиласди.

Аҳмоқ билан дўстлашишдан сақлан, чунки у сенга фойда етказаман деб зарар етказиб қўяди.

Бахил билан дўстлашишдан сақлан, чунки унга энг мухтоҷ бўлган пайтингда у сени қуруқ қўл билан қайтаради.

Фожир билан дўстлашишдан сақлан, чунки у сени арзимас чақаларга сотиб юборади. 65.

Вазирлардан бири Абул-Айноъга: - Узр, мен иш билан бандман – деди.

- Ишдан бўшаганингдан сўнг сенга эҳтиёжим қолмайди – деди Абул-Айноъ. 59.

Абдуллоҳ ибн Зубайр деди:

Тақво аҳлининг аломатлари борки, улар шу билан таниладилар ва ўзларини шу билан танийдилар:

Ким балога сабр қилса, қазога рози бўлса, неъматларга шукр қилса ва Қуръон ҳукмига бўйсинса (ўша киши тақво аҳлидандир).

Раҳбар бозорга ўхшайди, бозорда ниманинг савдоси чаққон бўлса, ўша нарсани олиб келинади. Агар раҳбарнинг олдида ҳақ савдоси чаққон бўлса, унга ҳақни олиб келинади ва ҳузурига ҳақ аҳллари келади. Агар унинг олдида ботилнинг савдоси чаққон бўлса, ҳузурига ботил аҳли йиғилади ва ботил ривожланади.

Алий ибн Аби Толиб розияллоҳу анҳу деди:

Одамлар уч хил бўлади:

1- Раббоний олим. 2- Нажот топиш мақсадида илм ўрганувчи. 3- Тўғри келган одамга эргашиб кетаверадиган, шамол қаёққа эсса ўша ёққа мойил бўладиган гўл одам.

- Илм мол-дунёдан яхшидир, илм сени қўриқлайди, мол-дунёни эса сен қўриқлайсан.
- Илм ишлатиш билан зиёда бўлади, бойлик эса камаяди.
- Илм ўз соҳибини тириклигига тоат-ибодатга, ўлимидан сўнг яхшилик билан тилга олинишга етказади. Мол-дунё сабабли вужудга келиб турган нарсалар мол-дунё йўқолиши билан йўқолиб кетади.
- Мол-дунёни босиб ётувчилар тириклай ўлган кимсалардир, олимлар эса замон тургунча боқийдирлар, жисмлари маъдум, васфлари дилларда мавжуддир.

Ҳасан дедилар:

Зикр икки хил: бири тил билан зикр қилиш, бу ҳам яхши. Бундан ҳам яхшиси – Аллоҳни Унинг буйруқ ва қайтариқлари олдида ёдга олишдир.

Ибн Умар розияллоҳу анҳу айтадилар:

Мен ўзим билан ҳаром ўртасига ҳалолдан бир тўсиқ ўрнатишни ва уни ҳаромга айлантирмасликни истайман.

Умар ибн Абдулазиз ўз ҳузурига кирган бир кишидан:

«Қавмингнинг саййиди ким?» деб сўради. У: «Мен» деб жавоб берди. «Агар ҳақиқатан уларнинг саййиди бўлсанг бундай демаган бўлардинг», деди Умар ибн Абдулазиз.

«Ат-Тарғиб ват-Тарҳиб»да қуийидагича ҳадис келган:

Гуноҳларни камайтири, жон беришинг осон бўлади.

Қарзларни камайтири, эркин бўласан.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алаиҳи ва саллам айтганлар:

«Ким барча ғамларини битта ғам – охират ғамига айлантиrsa, Аллоҳ үнинг бошқа ғамларига йзи кифоя қилади. Ким дунё ғамларини ўзига қаторлаштиrsa, қай водийда ҳалок бўлса бўлсин, Аллоҳ үнга парво қилмайди.»

Ҳасан ал-Басрий деди:

Бир соат тафаккур қилмоқ бир кечалик намоздан яхшироқ.

Яна деди:

Тафаккур – яхшилик ва ёмонликларингни кўрсатувчи ойнадир.

Ийсо алаїхиссаломдан ривоят қилинади:

Гап-сўзи Аллоҳнинг зикри, ҳомушлиги тафаккур ва қараши ибрат бўлган кишига жаннат бўлсин.

Ибн Аббос розияллоҳу анҳу айтадилар:

Тафаккур билан ўқилган қисқагина икки ракъат намоз ғофил қалб билан ўқилган бир кечалик намоздан яхшироқ.

Молик ибн Анас дедилар:

Ноҳақлик ва салафи солиҳни сўкиш билан иш қилинадиган ерда туриш дуруст эмас, Аллоҳнинг ери кенг. Ҳақни тушуниб, үнга амал қилган банда Аллоҳнинг инъомига сазовордир.

Ибн Масъуд розияллоҳу анҳу айтадилар:

Ҳақни сўзланг, ҳақгўйлик билан таниласиз. Ҳаққа амал қилинг, ҳақиқат аҳлидан бўласиз.

Умар розияллоҳу анҳу дедилар:

Фожир билан дўстлашма, үнга сирингни айтма, ишларингда Аллоҳдан қўрқадиган кишилар билан маслаҳатлаш.

Саъд ибн Убода айтадилар:

Қайтиб келмас бўлиб видолашаётган кишидек намоз ўқи.

Одамларнинг қўлларидағи нарсалардан беҳожат бўл, бойлик аслида шудир.

Тамагирлик ва ҳожатталабликдан сақлан, айни фақирлик шудир.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар:

Кимнинг қасди дунё бўлса, Аллоҳ үнинг ишини бўлиб (сочиб) ташлайди, камбағаллигини икки кўзининг ўртасида қилади, дунёдан эса үнга Аллоҳ битиб қўйганидан бошқаси келмайди.

Кимнинг нияти охират бўлса, Аллоҳ үнинг (сочилган) ишини жамлайди, бойлигини қалбида қилиб қўяди, дунё ўзи истамаган ҳолда үнинг ҳузурига келаверади. (Ибн Можа, Термизий).

Умар розияллоҳу анҳу намозхонларга қараб дедилар:

Сизлардан бирингизнинг кўп бора бошини кўтариб-тушириши (кўп сажда қилиши) мени алдаёлмайди, дин – Аллоҳнинг динида парҳезкор бўлиш, Аллоҳ ҳаром қилган нарсалардан тийилиш, Аллоҳнинг ҳалол ва ҳаромига амал қилишдир.

Бир подшоҳ вазирларининг биридан сўради:

- Бандага ато этиладиган энг яхши хислат нима?

Деди: - Бир умр ҳамроҳ бўлувчи ақл.

- Ақли бўлмаса-чи?

- Унга зийнат бўлувчи одоб.

- Одоби ҳам бўлмаса-чи?

- Нуқсонларини яширадиган мол-давлат.

- Моли ҳам бўлмаса-чи?

- Уни ҳалок қилиб, бандаларни ундан қутқарувчи яшин.

Бузружмеҳр деди:

Кимки боадаб бўлса, агар паст даражали одам бўлса улуғлиги зиёда бўлади. Танилмаган одам бўлса овозаси тарқалади. Ғариф одам бўлса ҳурмат-эҳтиромга эришади. Камбағал бўлса кўпчиликнинг ҳожати тушадиган одамга айланади.

Жунайд деди:

Нафсинг, гарчи Раббингнинг тоатида сенга итоатда бўлса-да, ундан хотиржам бўлма.

Ибн Дақиқ ал-Ийд деди:

Мусулмонларнинг обрў-номуслари дўзах чоҳларидан бир чоҳдирки, унинг лабида икки тоифа одамлар – муҳаддислар ва ҳокимлар турди.

Абулқосим ал-Жунайд ибн Муҳаммад деди:

Орифлар қошида ибодат шоҳлар бошидаги тождан яхшироқ.

Яна деди:

Ҳимматни маҳкам ушлангиз, зеро ҳимматни қўлдан бермаслик барча нарсаларнинг бошидир.

Жунайддан: «Қаноат нима?» деб сўрадилар. «Истак-ҳоҳишлиаринг ҳозир яшаб турган пайтингдан ўёғига ўтмаслигидир», деб жавоб берди.

Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳумо айтадилар: «Яхшиликни билмайдиган кимсанинг нонкўрлиги сени яхшилик қилишдан асло тўсмасин. Зеро сен ҳали яхшилик қилмаган кишилар орасида яхшиликни биладиганлар бор.»

Умар ибн Абдулазиз раҳимаҳуллоҳ айтадилар: «Кимда қўйидаги учта хислат бўлса, у камолотга эришибди: ғазаби Аллоҳнинг тоатидан тўсмаса; ризоси Аллоҳнинг маъсиятига туширмаса; қодир бўлатуриб афв этса ва (ўч олишдан) тийилса».

Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳу айтадилар: «Истаган таомингни е, хоҳлаган кийимингни кий, икки нарсадан ҳаргиз қутулмайсан - исроф ва кибр».

Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу айтадилар: «Қўйидаги уч сифатдан бири топилиши кишининг гумроҳлигига кифоя қиласди: бир ишни айблаб туриб, кейин ўзи ўша ишни қилиши; ўзида бор айбни кўрмасдан, айни айбни биродарида кўриши; кераксиз гаплар билан суҳбатдошига озор етказиши».

Яна дедилар: «Уч нарса биродаринг кўнглида сенга нисбатан муҳаббатни кучайтиради: унга биринчи бўлиб салом беришинг; даврада сурилиб жой беришинг; уни ўзи суйган исми билан чақиришинг».

Муҳаммад ибн Сулаймон ал-Ижлий айтади: «Ким вақтидан олдин мансабга минса, хорлигига пешвоз чиқибди».

Алий ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳу айтадилар: «Юмшоқсўз одам муҳаббатга сазовордир».

Яна айтадилар: «Кишининг қиймати унинг гўзал амаллари билан ўлчанади».

Ундан шукрнинг ҳақиқати ҳақида сўрадилар. (Ҳақиқий шукр нима деб)

«Аллоҳнинг неъматларидан биронтаси ёрдамида Унинг маъсиятига қўл урмаслик», деб жавоб берди.

Жунайд деди:

Мурувват – дўстларнинг хатосига сабр қилишдир.

Яна деди:

Зўҳд – қўлда бўлмаган нарсанинг қалбда ҳам бўлмаслиги, дунёни назарга илмаслик ва унинг асоратларини қалдан ўчириб ташлашдир.

Яна деди: Сабр - алам-аччиқни қовоқ уймасдан ичга ютишдир.

Яна деди: Шукр – ўзингни неъматга лойиқ деб кўрмаслигингдир.

Жунайддан ҳаё ҳақида сўрадилар.

«Неъматларни кўриш, сўнг (уларга шукр адо этишдаги) ноқисликларни кўриш – мана шу иккисидан ҳаё деб аталмиш ҳолат вужудга келади», деди.

Бир донишманддан: «Хўнук рост гап нима?», деб сўрадилар.

«Кишининг ўзини ўзи мақташи», деб жавоб берди.

Ҳорис ал-Муҳосибий деди:

Тоатнинг асли парҳез, парҳезнинг асли тақво, тақвонинг асли нафсни сарҳисоб қилиш, нафсни сарҳисоб қилишнинг асли қўрқув ва умид, қўрқув ва умиднинг асли ваъда ва ваъидни билмоқдир.

Ҳорис ал-Муҳосибий деди:

Ҳусни хулқ – озорга сабр қилиш, ҳар нарсага ғазабланмаслик, раҳм-шафқатни дариф тутмаслик, ширинсуханликдир. Ҳар нарсанинг жавҳари (мағзи) бор. Инсоннинг жавҳари ақл, ақлнинг жавҳари сабрдир.

Муовия розияллоҳу анҳудан: «Олийжаноблик нима?» деб сўралди.
«Ғазаб пайтидаги ҳалимлик ва қодир бўлатуриб кечириб юборишлик», деб жавоб бердилар.

Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳу айтадилар: «Одамларни мақташга ҳам, айблашга ҳам шошилмангиз! Зеро, бугун бир биродарингизнинг мақтовли ишига кўзингиз тушса, эҳтимолки эртага үнинг бирон айбли ишига кўзингиз тушар. Бугун үнинг бирон айбли ишига кўзингиз тушган бўлса, эҳтимолки эртага мақтовли ишига кўзингиз тушар».

Ибн Умар розияллоҳу анҳу айтадилар: «Яхшилик қилиш жуда осон - очиқ юзли ва ширин сўзли бўлиш».

Донишмандардан бири айтади: «Ким боласига ёшлик пайтида одоб берган бўлса, улғайган пайтида ундан хурсанд бўлади».

Донишмандардан бири айтади: «Уч нарса билан ғурбат йўқдир: шубҳадан узоқлашиш, чиройли одоб ва озордан тийилиш».

Ҳикматларда айтилади: «Одобни маҳкам ушланглар. Чунки у сафарда ҳамроҳ, ёлғизлиқда улфат, кўпчилик ичида чирой, ҳожатнинг раво бўлишига сабабдир».

Олмонларда шундай масал бор: Ўзгартиришнинг иложи бўлмаган ишни эсдан чиқарган киши баҳтлидир.

Дарҳақиқат бўлиб ўтган иш үнут бўлмоғи, зеҳндан чиқариб ташланмоғи лозим. Уни қайтиб эсламаслик ва гапириб юрмаслик айни саодатдир.

Кишилар мақтовига ишонма. Уларнинг айблашидан қўрқма. Улар ҳар куни бир ўзгарадилар. Хурсанд бўлсалар ёки ғазаб қилсалар хоҳиш-истакларига қараб қиласдилар.

Шунинг учун сен Воҳиду Аҳад, Фарду Сомад бўлган Оллоҳ билан муомалада бўл. Ундан бошқани тарқ эт. Чунки Оллоҳ кишилар истасинлар истамасинлар дилларини сен томонга буриб қўяди.

Фаровонлик вақтида дўсту ёрларнинг кўплиги билан алданиб қолма. Чунки улар умудвор пашшага ўхшайдилар. Қийинчилик вақтида улардан жуда камдан камини топасан. Шунинг учун улар билан яхши муомалада бўлгину аммо ёлғиз Оллоҳгагина суюн.

Кимки кулфат кўрмаса роҳатнинг таъмини билмайди. Кимки оч қолмаса тўқлик қадрини англамайди. Кимки хаста бўлмаса соғлик неъматини идрок қилмайди. Кимки қамалмаса эркинлик, озодлик иззатини ҳис қилмайди.

Қандай киши бўлмасин унинг фикрини ҳақир санама. Чунки мен жуда кўп инсонлардан фойдаландимки уларда кўп илм йўқ, уларга бармоқлар билан ишора ҳам қилинмайди, юксак ўринларда ҳам эмаслар, бироқ, уларда буюк инсонларда топилмаган тўғри фикрлар, раъйлар мавжуд. Ҳалқ ичida Оллоҳнинг кўп сирлари яширин.

Ўзингдан каттани кўрсанг шундай де: "Мендан олдин мусулмон бўлган, мендан олдин амал солиҳ қилиш насиб қилган, демак, бу одам мендан яхшироқ".

Ўзингдан кичикни кўрсанг шундай де: "Мен гуноҳларни, хатоларни бундай олдин бошлаганман, демак, бу мендан яхшироқ".

Агар биродарларингни сени хурмат, иззат-икром қилаётганини кўрсанг, улар дунёда яхшилик–неъмат пайдо қилдилар де. Агар сен ҳақингда улардан камчилик кўрсанг, қилиб қўйган гуноҳим сабабли де.

Бакр ибн Абдуллоҳ

Ҳорун ар-Рашид Фузайл ибн Иёзга деди: "Мунчалар зоҳидсиз!"

У: "Сиз мендан зоҳидроқсиз, чунки мен фоний дунёга рағбат қилмадим, сиз эса боқий охиратга! – деди.

Харсангларни, тошларни кўтардим, бироқ, қарздан кўра оғирроқ нарсани топмадим.

Али ибн Абу Толиб

Қарз кечаси ғаму кундузи хорлиқдир. Қарз қўлликдир. Қўллигинги ҳаққингни билмайдиган кишига қурбон қилма.

Ҳикматдан

Имом Ахмад Абдуррахмон ибн Жубайр ибн Нуфайрдан у эса отасидан ривоят килди. У деди: «кунларнинг бирида Микдод ибн Асвад хузурида ўтирган эдик, олидимииздан бир киши ўтиб колди ва: Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламни қўрган мана шу икки қўзга хавасим келади. Биз ҳам сиз қўрган нарсани қўрсак, сиз гувоҳ бўлган нарсага гувоҳ бўлсак эди, - деди. Унинг сўзларидан Микдоднинг аччиғи чиқди, мен эса бундан ажабландим, чунки у ёмон гап гапирмади. Микдод халиғи кишига юзланиб деди: Кишини Аллоҳ унинг бўлишлигини хохламаган ўринда «канийди мен ҳам бўлсан эди» деб орзу килишига нима мажбур килди? У агар ўша ерда бўлса холи нима бўлиши унга коронгику. Аллоҳга касам, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг хузурларига шундай бир кавмлар хозир бўлдиларки Аллоҳ уларни юзлари билан жаханнамга улоктирди. Улар пайгамбарни тасдикламадилар, унга бўйсунмадилар. Сизларни оналарингизнинг корнидан факт Алоҳнигина танийдиган, пайгамбарингларни тасадиклайдиган килиб чикариб кўйганига, келган бало бошкалар билан даф бўлганига Аллоҳга ҳамд айтмайсизларми! Аллоҳ бирорта пайгамбарни пайгамбаримизни юборгандаги каби ёмон даврда юбормаган. Пайгамбаримиз жохилият даврида келдилар, одамлар бутларга сигинишдан қўра афзалрок дин бор деб ўйлашмас эдилар. «Фуркон»ни олиб келдилар, у билан ҳак ва ботил ўртасини, ота билан ўгил ўртасини айирдилар. Агар бир киши ўзининг отаси, фарзанди ва биродарини коғир холда қўрса, Аллоҳ унинг калбини иймонга очиб кўйгани учун улар ўладиган бўлсалар албатта дўзахга тушишларини билади, ўз хабибини дўзахий бўлишини билатуриб, у кувона олмайди. Мана шу Аллоҳ таоло айтан сўзлардир: «Улар: «Парвардигоро, Ўзинг бизларга жуфти ҳалолларимиз ва зурриётларимиз (нинг сенга килган итоаткорликларини кўришлик) билан кўзларимизга кувонч баҳш эт ва бизларни такводорларга пешво килгин», дейдиган кишилардир».

Энг афзал киши улуғ бўла туриб тавозу қилган, қодир бўла туриб зуҳд қилган, кучли бўла туриб инсоф қилган кишидир.

Абдулмалик ибн Марвон

Кимки барча инсонга эҳсон қилмоқчи бўлса уларнинг барчасига яхшилик ният қилсин.

Абу Сулаймон ал-Мантиқий

Ахнаф ибн Кайс бир кишининг: "Кишилар мени мактайдиларми, хажв киладиларми парво килмайман" – деганини эшитиб: "Улуглар кийналган нарсадан кутулибсан" – деди.

Бир киши Ахнаф ибн Кайсни айбламокчи бўлиб: "Кандай килиб кавмингизнинг саййиди бўлиб олгансиз?" – деди. У: "Сени менинг ишимдан мухим бўлмаган томони кизиктирмаганидек мен сенинг ишингидан ўзимга мухим бўлмаган томонини тарк этиб саййид бўлдим" – деди.

Энг ёмон зулм заиф кишига зулм килиш. Очик танбех ички гинадан яхширок.

Ноумидлик акл нуктаи назаридан ўзни ўлдириш. Акли заифлашиб, жунунликка моиллашган кишигина ўзини ўлдиради. Ноумидлик дин нуктаи назаридан куфрдир. Аллоҳ таоло раҳматидан кофир кавмларгина ноумид бўлур.

(Шакиб Арслон)

Мазлумга хасадгўйдан кўра кўпроқ ўхшайдиган золимни кўрмадим: доимий тиришиш, лозим-лобуд хафалиқ, битмас кўз ёши.

Хасан Басрий

Ибн Сиyrинга шундай дейилди: Такво килиш мунча кийина-а! У: Мунча осон-а! Бир нарсада шубхалансанг уни тарк эт, — деди.

Албатта мен ўрганган илмини унуган кишининг бу унутиш сабаби, шубхасиз, килган гунохи туфайлидир деб хисоблайман.

Иbn Масъуд.

Пушаймоннинг энг ёмони киёмат кунидаги пушаймон, залолатнинг энг ёмони хидоятдан сўнгги залолат, бойликнинг энг яхшиси кўзи тўклиқ, зоднинг (йўлга олинадиган озик-овкат) энг яхшиси такво, дилга жойланган нарсанинг энг яхшиси якинdir (аник ишонч).

Иbn Масъуд

Мен кетимдан чекмангиз ох катлима, биллоҳ, сусайманг
Бўлмангиз гарк хузн ила сиз кўш ёши дарёсига
Тўгридуркум тангри кошида тирик бўлди шахид
Чин ўлик — сотган Ватанни алданиб дунёсига
Амир Шакиб Арслон шахид тилидан

Бахти бўлмогимиз учун билмаган нарсамизни билиш, билган нарсамизни эсга олишдан кўра кўпроқ нарсага муҳтоҷ эмасмиз.
Инсон хаётидаги машаккатларнинг кўпроги ўзи билган хакикатларни эсдан чиқаришдан пайдо бўлади.

Мустафо Сибоий

Ким динини хурмат килишни истаса, подшохга алока боғламасин, аёллар билан хилватда бирга бўлмасин, хавои нафс эгалари билан мунозара килмасин.

(Абдуллоҳ ибн Масъуд)

Динга бокдим, хуснхулқдир устуни
Яхши хулқдин ўзга йўқдир унга посбон
Хулки баднинг дини йўқдир бил буни
Мактамаслар саъйу такво килса хар он
(Иззуддин Аламуддин Танухий)

Адабиётнинг самараси расо аклдир
Илмнинг самараси солих амалдир
(Хукамолардан бири)

Шундай кишилар борки мансабга ўtkазилса бу мансабдан уни ўзи четлатади. Бунинг акси ўларок, баъзи кишиларни мансабдан четлатилса фазилати уни мансабга ўtkизади. (хукамолардан бири).

Дўстингга бирон ноҳушлик етса: неъматидан жудоликми, ё бир офатга гирифторликми, билки сен хам у билан бирга балоландинг. Чунки, ё унга кўмак бериб етган ноҳушлиқда шерик бўласан, ёхуд ёрдамни тарк этасанда ор-номусга ботасан. (Ибн Мукаффаъ)

Бир киши Умар ибн Хаттобга ўрталарида бўлиб ўтган гапдан сўнг: «Аллоҳдан кўркинг— деди. Шу ерда хозир кишилардан бири бунинг гапини номаъкул санаб унга: Амирул муъмининг Аллоҳдан кўркинг дейсизми,— деди. Умар унга караб: индаманг, ушбу гапни менга айтсин. Айтган гапи накадар яхши! Шундай гапни айтмасанглар сизларда яхшилик йўк. Шундай гапни кабул килмасак бизларда яхшилик йўк!— деди.

Кимники ўзидан розилиги кўп бўлса унга нисбатан газабланувчилар ортади. (Хикматдан)

Охир окибати ўлим, ваъда жойи киёмат, хўзури Аллоҳ таоло олдида туриш эканлигини билган кишига гам-гуссаси давомли бўлмоги лойик. (*Хасан Басрий*)

Газабнинг жазоси газаб килувчи шахснинг ўзидан бошланади: Юзини хунук килади, динини камтик килади, пушаймонини тезлатади. (*Донишмандлардан бири*)

Хар кандай инсонни рози килишга кудратим етади, бирок хасадгўйни рози кила олмайман. Чунки, уни неъматнинг заволигина рози килур. (*Муъовия*)

Авн инб Абдуллоҳ шундай дейди: Яхшилар бир бирига хатларида ушбу сўзларни ёзишарди:

"Кимки охирати учун иш килса, унинг дунё ишига Аллоҳ кифоя килур. Кимки ўзи билан Аллоҳ ўртасидаги холни яхшиласа Аллоҳ у билан кишилар ўртасидаги ахволни тузатур. Кимки ичини тузатса Аллоҳ унинг ташини тузатур.

Али ибн Хусайн ибн Алий ўгли ўлиб, ундан бетокатлик кўрилмагандага унинг сабабидан сўралди. У : "Ўлим бу келишини биз доим кутадиган нарса! Шундай экан у келди, уни эътироф этдик"- деди.

Ёмонларнинг кучайиши бало яхшиларнинг кучайиши даво. Мўминларнинг кучайиши шифодир. (*хукамолардан бири*)

Канчадан-канча кунни каршилаганлар борки уни охирлатмас. Канчадан-канча эртани кутувчилар борки бу унинг ажал мухлатидан эмас. Агар ажал ва унинг харакатини кўрганларингда эди, орзу ва унинг алдовини ёмон кўрган бўлур эдинглар. (*хикматлардан*)

Кишиларнинг хак раъйинг билан кеноат хосил килиши сенга вожиб эмас. Бирок, ўзинг хак деб билган нарсани кишиларга айтишинг сенга лозим. (*Мустафо Сибоъий*)

Жиходнинг энг кийини хавои нафсга карши жиходдир кимки ўзини хавои нафсидан кайтарса дунё ва унинг балосидан кутулгай, дунё озоридан омонда бўлгай, саклангай. (*Иброҳим ибн Адҳам*)

Асмоъий шундай хикоя киласи: "Ўз кўйларини бокиб юрган бир аъробийга : Бу кўйлар кимники? – дедим. У : "Булар Аллохники, менда турибди!" – деди.

Магур билан дўстлашишдан ўзингни узок тут! Чунки, у агар сендан яхшилик кўрса ўзига оид деб билур, ва агар ундан ёмонлик кўрилса буни сенга нисбат берур. (*Мустафо Сибоъий*)

Иброҳим Адҳам раЖимахуллоҳга Аллоҳ таъолонинг: «Менга дуо килинглар, ижобат киласман» (Гофири: 60) ояти хакида савол берилиб: «Биз Аллоҳ таъолога дуо килмоқдамиз, бирок, У дуоларимизни ижобат килмаяпти-ку?!»- дейилди.

Иброҳим Адҳам раЖимахуллоҳ бу саволга куйидагича жавоб берди: «Чунки сизларнинг калбларингиз ўнта нарса сабабли ўлган:

- 1) Аллоҳни танидингиз, бирок, Унинг хаккини адо этмадингиз;
- 2) Аллоҳнинг Китобини ўқидингиз, бирок, унга амал килмадингиз;
- 3) Шайтонни душман деб даъво килдингиз, бирок, уни яхши кўрдингиз;
- 4) Расулуллоҳ соллаллоҳу алайхи ва салламни севишни даъво килдингиз, бирок, унинг асари ва суннатларини тарк килдингиз;

- 5) Жаннатни севишни даъво килдингиз, бирок, унга муносиб амал килмадингиз;
- 6) Жаханнамдан кўркишни даъво килдингиз, бирок, гунохлардан тийилмадингиз;
- 7) Ўлимнинг хакикат эканини даъво килдингиз, бирок, ўлим учун тайёргарлик килмадингиз;
- 8) Бошқаларнинг айблари билан шугулланиб, ўз айбингизни унутдингиз;
- 9) Аллоҳнинг ризкини еб, Унга шукр этмадингиз;
- 10) Ўликларингизни дафн этдингиз, бирок, улардан ибрат олмадингиз!».

Абдулмалик ибн Марвон хузурига хорижийлардан бир кишини келтирилди. У катл килмокчи бўлди. Шунда Абдулмалик олдига хорижийнинг йиглаб турган гўдак бир ўгини киритилди. Буни кўриб хорижий Абдулмаликка : «Кўйинг юпатманг эй, Абдулмалик, чунки йигиси лунжини кенг, димогини соглом, овозини узун ва Оллоҳнинг тоатига рагбат килиб кўзидан ёш тўкай деганда кўзининг бўйинсунишига сабаб бўлади»- деди.

Абдулмалик унинг сўзидан таъсирланди ва ажабланиб унга: «Сенинг хозирги холинг бундай жавобдан сени машгул килиб кўймадими?»- деди.

У: «Мўмин кишини хакни айтишдан бирон нарса тўсмоги лозим эмас»- деб жавоб берди.

Абдулмалик уни камашга буюрди ва катлидан кечди.

Фазилатсиз хусну жамол хидсиз гулга ўхшайди.

Мустафо Сибоъий

Бир кишига сирни омонат кўйиб, фош килган бўлса, уни маломат килиб юрмадим. Чунки сирни унга омонат кўяётганимда менинг калбим униқидан торрок бўлган эди.

Амр ибн Ос (розияллоҳу анху)

Икки нарса бирга жам бўлмайди: Каноат ва хасад. Икки нарса бирбиридан ажралмайди: Очкўзлик ва юзсизлик.

Сұхбатдошимнинг менда учта хакки бор: Юзланганда кўзимни унга каратмогим, ўтирганда унга жойни bemalol килмогим, гапирганда унга кулок тутиб турмогим.

Ибн Аббос (розияяллоҳу анху)

Шаъбий деди: “Кози Шурайх хузурида ўтирган эдим. Ногахон бир аёл кириб колди. У йўқ эридан шикоят килар ва уввос солиб йиглар эди. Шунда мен козига: “Эй, Абу Умайя, жуда зулм кўрган аёл кўринади” – дедим. У: “Эй, Шаъбий, Юсуфнинг акалари унга зулм килиб туриб оталари кошига кечда йиглаб келишган эди” – деди.

Пешволикка шошилма. Чунки, сен бунга лойик бўлсанг, замонинг сени бунга тақдим этади. Агар лойик бўлмасанг айбинг очилиб колмаслиги сенга яхшироқдир.

Саид ибн Мусайиб –Аллоҳ раҳмат килсин- илм билан ишлари бўлмай, пешин билан аср орасида масжидда нафл намоз ўкиётган кавмни кўриб: «Бу хакикий бандалик эмас, хакикий ибодат Аллохнинг дини хакида фикр юритмок ва Аллоҳ хакида билимга эга бўлмоқдир»- дедилар.

Муоз –Аллоҳ рози бўлсин- бир кишига насиҳат килиб шундай дедилар: «Тунда намозда коим бўл ва уйкингни хам ол, рўза тут ва оғзинг очик хам юр, касб эт, гуноҳ килма. Охират амалини олдингга кўй. Дунёдан насибангни хам интизом илиб тур».

Хофизи куръон – кишилар ухлаганда тунда бедорлиги, еб –ичиб юрганларида рўзадорлиги, бехуда сўз сўзлаганларида хомушлиги, ўйнаб юрганларида гамгинлиги билан билиниб турувчи инсондир.

Кимки кишиларнинг газабини ўйламай Аллох таъолони рози килмокни максад килиб иш тутса Аллох ундан рози бўлиб, кишиларни хам ундан рози килиб кўяди. Кимки Аллох ризосини ўйламай кишилар розилигини ўйлаб иш килса Аллох унга газаб килади ва кишиларни хам унга газаблантириб кўяди.

(Ибн Муборак)

Кулфат шердир. Шер ўлимлик емайди. У тождир. Уни ишчи киймайди. У киличдирки уни кўркоклар кўтармайди. У минбардир. Унга тили ожизлар чикмайди.

Кўргуликнинг умри неъмат умридан киска. Унинг ажри хотиржамлик ажридан катта. Унинг тажрибаси оддий хаёт тажрибасидан буюк. Унинг манфаати тинчликдагидан улкан ва ортиқ. Кўргулик бу - ибрат олмок, эслатма ва огохликдир. Битмас сабок, яхши сано ва ажойиб тарих хамиша у билан биргадир.

(Оиз ибн Абдуллоҳ ал-Карнийнинг тожул-фавоид китобидан).

Аъзоларнинг осойишталиги юракни оромлантирувчи фазилатдир. Хар бир ўлжада иштирок этиш камол ва олийхимматлик белгисидир.

Мусулмон киши мартабасининг улуглиги ва даражасининг олийлиги жаннатда бўлади. Демак ушбу нарса унинг доимий матлаб –максадига айланмоги даркор.

Икки хислат: зикр ва фикр иймоннинг рухи ва уни алангалатувчи ёкилгисидир. Зохидлик охиратда фойда бермайдиган нарсани ташламок. Вараъ зарари кўркилган нарсадан воз кечмок. Эшитган нарсасининг хаммасини гапирмок кишига гунох тўгрисида кифоя.

Дейдиларки, кишига фактат тилинг билан таълим берсанг у хеч вакт таълим олмайди. Чунки гап билан амал зарур. Ундан ташкари такрор кайтариш, давом этиш ва мулозамат шарт. Зеро аччик сўз ўрнашмоги кийин.

Кечаси-тунда вирд-вазифаси йўк толиби илм хам бўладими? Калбиннга хузур багишловчи ишни кил. Омма билан аралашсанг майда камчиликлардан кўзингни юм, ўзингни билмаганга ол.

Кишиларни ёки уларнинг кўринишларини ёхуд баъзи томонларини айблаб камситишдан узок бўл! узок бўл! Уларни фактат яхшилик билан тилга ол.

Кўп гапиравчи киши харгиз имом-пешво бўла олмайди. Кўп сўзламок аёллар ва ёш болалар одати.

Кишилар билан динигга путур етказмаганлари холда аралаш. Тажрибали кишигина хакимдир. Кишилар билан викор-вазминлик яхши. Хазил-мутояба хотин билан .
(можул-фавоид китобидан).

Илм ўрганинглар. Илм олгач амал килинглар. Илм олиб амал килмайдиган киши холигавой. Илм хакида шундай дейилган: «илмнинг офати, айби ва бадбахтлиги бўлади. Офати нисёндир, камчилик-айби ноахллар кошида ёйилиши, бадбахтлиги эса бундаги ёлгондир.

Абдуллоҳ ибн Масъуд

Кишилар сени молинг ёки салтанатинг сабаб икром килаётган бўлсалар харгиз кувонма. Зеро ушбу иззатнин заволи шу иккисининг заволи биландир. Аммо дининг ёки адабинг сабаб хурмат килсалар кувон.

Ибн Мукаффаъ

Умар ибн Хаттоб розияллоху анху ёш болаларнинг олдидан ўтиб колди. Улар ичида Абдуллох ибн Зубайр хам бор эди. Шунда барча болалар кочиб кетишиди. Умар унга деди: «нима учун дўстларинг билан бирга кочмадинг?» У : «Эй амирул мўъминийн, жиноят килмадимки сиздан кўрксам, йўл хам тор эмаски сизга йўл берсам» - деб жавоб берди.

Тилим богланиб, калбимга кулф уриладиган диёрдан юз ўгиргайман.

Абу Таммол

Аллохнинг шундай бандалари борки ботилни тарк этиб, уни ўлдирадилар. Хакни зикр этиб, уни тиргизадилар. Рагбатлантирилдилар, рагбат килдилар. Кўркитилдилар, кўрқдилар. Хавфда бўлдилар. Хотиржам бўлмадилар. Кўркув уларни муҳлисга айлантирди. Ўзлари учун бокий колажак нарса сабаб фонийни тарк этардилар.

Илмсиз ибодатда, фахмсиз илмда, тадаббурсиз кироатда яхшилик йўк.

Али ибн Абу Толиб.

Мен кишини на дунё амалида, на охират амалида машгул бўлмасдан, бекорчи холда кўрсам жуда ёмон кўраман.

Абдуллох ибн Масъуд.

Икки кулогинг ва оғзингга бўлган муносабатда эҳтиёт инсоф кил. Гапирмогингдан кўра тингламогинг кўп бўлиши лозимлиги учун хам сенга кулокни иккита, оғизни эса битта килиб берилди.

Абуд Дардоъ.

Умар ибн Абдулазиз хокимлардан бирига шундай хат юборди:
«Аммо баъд: Агар сени кишилар устида кодир бўлиб турганлигинг уларга зулм килмокка ундан колса дархол Аллохнинг сенга кудратини, улар олдига боришинг тугамогини, уларнинг сенга келиши бокийлигини эсла! Вас салом.

Киши доимо илм талабида бўлса олимдир. Агар илм олиб бўлдим деб ўйласа у жохилдир. *Хабарлар чашмаси китобидан.*

Мендан беш нарсани ёд олинглар. Агар сизлар туяларни миниб буларни изласанглар топишларингдан олдин туяларни холдан тойдириб, нимжон килиб бўласизлар:

Банда факат роббисидангина умид килсин. Банда факао гунохидан кўрксин. Жохил билмаганидан сўрамоқдан ўёлмасин. Олим билмаганидан сўралса «Аллоҳ билгувчирок» демоқдан ор килмасин.

Сабр иймондан бошнинг жасаддаги ўрнидадир. Сабри йўқ кишининг иймони йўк.

Али ибн Абу Толиб

Хикмат шундай дейди: ким мени излаб тополмаса билган нарсасининг яхшини килиб ёмонини ташласин. Ана шунда, гарчи мени танимасада мен у билан биргаман.

Илм амалга нидо килиб уни чакиради. Агарnidога жавоб бераб келса илм туради. Акс холда жўнаб кетади.

Саврий.

Ким ёлгон билан танилган бўлса ростгўйлиги жоиз бўлмади. Кимки ростгўйлик билан танилган бўлса гапига ишонилди. Ким гийбат, адоваратни кўп килган бўлса, насихатига ишонилмади. Ким фўжур,

алдов билан танилган бўлса унга мухаббатда ишонилмади. Ким ўз кадридан юкорини даъво килган бўлса, кадри инкор этилди. Ўзгода ёмон кўринган феълни ўзингда чиройли санама.

Вахб ибн Мунаббих.

Хилмни илмга, афвни кудратга жамъ килинмогидан кўра гўзалрок икки нарса жамъ килинмади.

Умар ибн Абдулазиз.

Эй инсонлар, дунё имтихон диёри. Охират кароргоҳдир.
Ўтаргоҳингиздан кароргоҳингиз учун фойдаланинг. Сирингиз махфий колмайдиган зот олдида пардангизни йиртманг. Сизлар дунёда турибсиз. Бирок, ундан бошкаси учун яратилдингиз.

Риёший

Улуг киши тўрт нарсадан ор килмайди: ўтирган жойидан отаси учун турмоқдан. Мехмонига хизмат килмоқдан.

Юзта кули бўлса хам отига ўзи карамоқдан.

Илмидан олиш учун олимга хизмат килмоқдан.

Абдуллоҳ ибн Муборак шундай хикоя киласи: Суфён Саврийга :
«Эй Абу Абдуллоҳ, Абу Ханифа гийбат килмоқдан накадар узок-а!
Бирон душманини гийбат килганини эшитмадим» - дедим. У: «Абу ханифа яхшиликлари устига уларни кетказадиган нарсани голиб килиб кўймоқдан донорокдир» - деб жавоб берди.

Малол ва дангасалиқдан ўзингни узок тут. Зеро бу иккиси барча ёмонликнинг калидидир. Чунки дангаса бўлсанг хак адo килмайсан.

Абу Жаъфар ал Бокир.

Казо хадиксирашдан кулади.

Ажал орзудан кулади.

Тақдир тадбирдан кулади.

Кисмат жаҳду машаккатдан кулади.

Иброҳим ибн Хумайс.

Зоҳид яна бир зоҳидга деди:

- Менга панду насихат килинг.
- Оллоҳ сени нахий килган ўринда кўрмасин ва буюрган ўринда йўк кўрмасин.
- Яна зиёда панд беринг.
- Менда бошка зиёда йўк.

Ким ўз нафси билан машгул бўлса кишилардан фориг бўлади. Ким роббиси билан машгул бўлса кишилардан ва нафсидан фориг бўлади.

Абу Сулаймон ад Дороний.

Хунук гап тубан инсонларнинг куролидир. Банда дилига кибрдан бирор микдор кирган бўлса, албатта, шунча микдор ёки ундан кўпроқ аклидан камайтирди.

Мухаммад ибн Али.

Абдулмалик ибн Марвон хузурига хорижийлардан бир кишини келтирилди. У катл килмокчи бўлди. Шунда Абдулмалик олдига хорижийнинг йиглаб турган гўдак бир ўрини киритилди. Буни кўриб хорижий Абдулмаликка : «Кўйинг юпатманг эй, Абдулмалик, чунки йигиси лунжини кенг, димогини соглом, овозини узун ва Оллоҳнинг тоатига рагбат килиб кўзидан ёш тўкай деганда кўзининг бўйинсунишига сабаб бўлади»- деди.

Абдулмалик унинг сўзидан таъсирланди ва ажабланиб унга:
«Сенинг хозирги холинг бундай жавобдан сени машгул килиб
кўймадими?»- деди.

У: «Мўмин кишини хакни айтишдан бирон нарса тўсмоги лозим
эмас»- деб жавоб берди.

Абдулмалик уни камашга буюрди ва катлидан кечди.

Илм молдан яхши. Чунки илм сени кўриклайди. Молни эса сен
кўриклайсан. Молни сарфлаш камайтиради. Илм сарфлаш билан
кўпаяди. Ундан ташкари илм олимга хаётида тоат, ўлгандан сўнг
чиройли хотира- сўз касб этади.

Али ибн Абу Толиб

Кавмнинг улуг саййиди сўралганда сахий, жаҳолат билан муомала
килинганда халим, бирга яшовчисига итоатли, содик кишидир.

Умар ибн Хаттоб (розияллоҳу анху)

Молнинг ёмони ундан сарф килинмайдигани, дўстларнинг ёмони
ёрдамни тарк этувчиси, хокимларнинг ёмони айбиз киши ундан
кўркувчиси, диёрларнинг ёмони хосилдорлик ва хотиржамлик
бўлмаган юрт.

Дунёда факат икки кишининг биригагина яхшилик бор. Бири
гунох килиб кўйганда, дархол тавба билан унинг тадорукини
килган. Иккинчиси яхшилик ишларда тезлашиб, шошилиб килиб
юрган кишидир. Такво билан бўлаётган амал кам бўлмайди. Кабул
бўлаётган амал нечук кам бўлсин.

Али ибн Абу Толиб (розияллоҳу анху)

Эй, инсонлар, урушга киришингиздан олдин амали солих
бўлсин. Сизлар амалларингиз билангина жанг кила олурсиз.

Абу -д-Дардо (розияллоҳу анху)

Ўлимга ташна бўл, сенга хаёт берилур.

Абу Бакр (розияллоҳу анху)

Кимки шахватни тарк килишда содик бўлса, Аллоҳ унинг
калбидан у шахватни кетказади. Аллоҳ, унинг ризоси учун тарк
килинган шахват сабаб бир калбни азоблашдан буюк ва покдир.
Абу Сулаймон Дороний

Хаётингдан беш нарса сенинг фойданг учун: Аллоҳга тоат,
маърифат талаби, эзгулик ёймок, кариндош ва дўстларга яхшилик
килмок, жисмингдан озорни даф килмок. Булардан бошкаси сенинг
зааринг учундир.

Мустафо Сибоъий

Бахилдан сўрама. Чунки бермаса ёмон кўриб коласан. Агар
берса сени ёмон кўриб колади.

Кимки шахватини оёги остига кўйса, шайтон унинг соясидан
кўркади. Кимнинг илми хавосига голиб бўлса, ана ўша комил олим,
мутлак голиб.

Вахб ибн Мунаббих

Бир чакимчи Искандарга бир кишини чакди. Шунда Искандар:
«Унинг хакида айтган гапларингни кабул килишимни яхши
кўрасанми, шу шарт биланки сен хакингда унинг гапини хам кабул
килсам?» - деди. У : «Йўқ» - деб жавоб килди.

Искандар: «Ёмонлиқдан тийил, сендан хам ёмонлик тийилади» -
деди.

Кишиларнинг энг холи аянчлиси кўп маърифатга эга, олийхимматли
бирок кудрати оз кишидир

Уламолар билан ўтирсанг гапиришдан кўра тинглашга харисрок бўл.

Менга Аллоҳдан бошка ёрдамчи тополмаган инсонга зулм килишдан хаё киламан.

Муовия (розияллоҳу анху)

Киши уч хислатга эга бўлмагунча олим бўла олмайди: Ўзидан илмда паст инсонни хакир санамайди. Ўзидан юкори инсонга хасад килмайди. Илмига хак олмайди.

Илми билан ким пешволикни истаса, жуда кўп илмдан курук колади.

Суфён Саврий

Доно олим кишиларни илмига хомушлиги ва вакор-вазминлиги билан чакиради. Эси пас олим вайсакилиги билан кишиларни илмидан хайдайди.

Лукмон

Олим кишига таълим берса кўпол бўлмаслиги, таълим берилса ор килмаслиги яхшидир.

Суфён ибн Уяйна

Газабнинг иззат-галабасидан узок бўл. Чунки, у узр изхор килмок хорлигига элтгувчидир.

Хакимлардан бири

Молик ибн Диинор айтади: «Тавротда ушбуни ўқидим: олим илмига амал килмаса мавъизаси диллардан - ёмгир катралари силлик тошдан тойғандек тойиб кетади».

Одамийлик – ошкор холда килишдан хаё киладиган нарсангни пинхонда килмаслигингдир.

Мухаммад ибн Имрон Таймий

Бир кишини сенинг хаккингда сенда йўқ яхшиликни айтаётганини эшитсанг, сенинг хаккингда сенда йўқ ёмонликни айтмогидан хотиржам бўлма.

Вахб ибн Мунбих

Яхши хулк кўп ёмонликларни бекитади, худди ёмон хулк кўп яхшиликларни бекитганидек.

Мустафо Сибоъий

Подшохларнинг энг сиёсатдони халкнинг юрагини кўлга олиб, уларнинг таналарини хукмига бўйинсундирганидир.

Форс хакими

сайтлар

<http://taqvo.ucoz.net>

<http://islam.uz>

<http://wasatiyat.tj>

<http://firdawsi.com>

<http://islamhouse.com>

<http://mp3quran.net>

<http://islamtape.com>

<http://aqeedeh.com>

Телефон

тел: [+992917509909](tel:+992917509909)

тел: [+992427816682](tel:+992427816682)